



ФОНЕТИК ВА СЕМАНТИК КАЛЬКА УСУЛИДА ХИТОЙ ТИЛИГА ЎЗЛАШГАН ҲАРБИЙ ТЕРМИНОЛОГИЯ ХУСУСИДА

ИМОМИДДИНОВА НАРГИЗА

Мустақил тадқиқотчи, ТДЎТАУ

Аннотация. Хитойда қарийб 40 йилдан бери кенг ислохотлар ва очиқлик сиёсати амалга оширилиб келинмоқда. Бу эса ўз навбатида замонавий инсон фаолиятининг барча жабҳаларида ўз аксини топади. Бугунги кунда Хитой нафақат ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларида етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда, балки ҳарбий саноати ҳам тез суръатларда ривожланимоқда. Шундай экан, ҳарбий соҳанинг равнақ топиши ўз-ўзидан хитой тилига янгидан-янги терминларнинг кириб келишига замин яратади.

Ушбу мақола хитой тили ҳарбий терминларининг ташиқи омиллар таъсирида ясалиши ва уларнинг таҳлилига бағишланган. Муаллиф дефиницион таҳлил методидан фойдаланган ҳолда, ўзлашмаларнинг чет тилидан хитой ҳарбий терминлари тизимида кириб бориши, уларнинг ясалиши усуллари, лексиканинг бойиши йўллари ҳамда фонетик калькаларнинг ҳосил бўлишидаги чекловлар юзасидан фикр билдирган. Шунингдек, фонетик ва семантик калька усуллари қиёсий ўрганилиб, замонавий хитой тили ҳарбий лексикасида семантик кальканинг фаоллиги мисоллар билан исботланди. Мақолада инглиз ва рус тиллари таъсирида ҳосил бўлган ўзлашмаларнинг тавсифий таҳлили ва улар асосида пайдо бўлган хитойча ҳарбий терминлар юзасидан хулосалар келтирилади.

Таянч сўз ва иборалар: сўз-термин ўзлашмалар, фонетик ўзлашма, калькалаш, семантик калька, мустақил синонимлар, структур калькалар, этимологик калькалар, тўғридан-тўғри калькалар, билвосита калькалар.

Аннотация. В Китае уже на протяжении 40 лет осуществляется политика реформ и открытости. Это, в свою очередь, затрагивает все области жизнедеятельности современного человека. На сегодняшний день, Китай не только является лидером во всех сферах производства, но и наблюдается стремительное развитие в военной промышленности этой страны. Так, развитие военной промышленности само по себе создает условия для введения новых терминов в китайский язык.

Данная статья посвящена построению и анализу китайских военных терминов под воздействием внешних факторов. С помощью метода дефиниционного анализа автор исследует проникновение заимствований из иностранного языка в систему китайских военных терминов, способы их образование и обогащения лексики, некоторые ограничения в формировании звуковых заимствований. Также сравнительно изучены методы фонетической и семантической калек, и на примерах доказана активность семантической кальки в военной лексике современного китайского языка. В статье дается описательный анализ заимствований, сформировавшихся под влиянием английского и русского языков, и выводы о возникших на их основе китайских военных терминах.

Опорные слова и выражения: заимствованные слова-термины, фонетическое заимствование, калькирование, семантические кальки, самобытные синонимы, структурные кальки, этимологические кальки, прямые кальки, косвенные кальки.

Abstract. China has been pursuing a policy of reform and opening for 40 years. This, in turn, affects all areas of modern human life. Today, China is not only a leader in all spheres of production, but also there is a rapid development in the military industry of this country. Thus, the development of the military industry itself creates the basis for the introduction of new terms into the Chinese language.

This article is devoted to the construction and analysis of Chinese military terms under the influence of external factors. Using the method of definitional analysis, the author explores the penetration of borrowings from a foreign language into the system of Chinese military terms, the ways of their formation and vocabulary enrichment, some restrictions in the formation of sound borrowings. The methods of phonetic and semantic calque have also been comparatively studied, and the activity of semantic calque in the military vocabulary

of the modern Chinese language has been proved by examples. The article provides a descriptive analysis of borrowings formed under the influence of the English and Russian languages, and conclusions about the Chinese military terms that emerged on their basis.

Keywords and expressions: word-terms borrowings, phonetic borrowing, calque, semantic calque, original synonyms, structural calque, etymological calque, direct calque, indirect calque.

Кириш. Маълумки, терминлар илм-фан ва тилнинг махсус соҳаларининг янги тушунчаларга бўлган эҳтиёжи натижасида вужудга келади. Ҳар бир тилда терминологик захиранинг ёки янги терминнинг пайдо бўлиши чет тилидан кириб келадиган ўзлашмалар билан боғлиқ. Табиийки, барча ривожланган тиллар таркибида кўплаб ўзлашган лексика захиралари мавжуд. Бир тил томонидан бошқа тил лексикасининг ўзлаштирилиши ўша тил луғат захирасининг бойишига олиб келади.

Термин сўзини турлича тушуниш мумкин. Чунончи, мантиқшунослар учун термин – аниқ объектга тегишли тавсиф ёки тавсифлар йиғиндисини назарда тутувчи ва унда татбиқ этилувчи сўз ҳисобланади. Ҳар қандай тилдаги исталган сўз термин бўлиши мумкин.¹

“Термин” 术语 shù yǔ сўзига хитой тилшунослари томонидан қуйидаги таъриф берилган: “Терминлар - бу фан, техника соҳасида қўлланилувчи махсус сўзлардир. Фан ва техниканинг ҳар бир соҳасида кўплаб терминлар ишлатилади. Ҳар бир термин фан ва техника доирасидаги маълум бир маънони ифодалайди. Хитой тилшуносларининг фикрича, терминнинг оддий сўздан фарқи унинг қўлланиш доираси чекланганлиги ва аниқ тушунчани ифодалашидир. Хитой тилида ҳам терминлар синонимия, омонимия ва экспрессивлик сифатларига эга эмас”².

Мақсад ва вазифа. Асосий кўзланган мақсад - хитой тилидаги термин ясалишининг самарали усулларида бири ҳисобланган ўзлаштириш усулини ўрганиб чиқиш, фонетик ва семантик калька усуллари деривацион, дефиницион, тавсифий таҳлил методларидан фойдаланган ҳолда ҳарбий терминлар мисолида ўрганиб чиқиш. Бунинг учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

ўзбек, рус ва хитой олимлари томонидан ўзлашмаларга бағишланган ишларни дефиницион, тавсифий таҳлил қилиш;

хитой тилидаги фонетик ва семантик калька усуллари ҳарбий терминлар мисолида қиёсий таҳлилини амалга ошириш.

Усуллар. Тадқиқот усуллари сифатида дефиницион таҳлил, тавсифий, анализ ва синтез, қиёсий методлардан фойдаланилди.

Натижалар ва мулоҳаза. Тилдаги сўзлар, хусусан, терминлар икки хил йўл билан ҳосил қилинади: тилнинг ички имкониятлари асосида ва ўзга тиллардан тайёр тил бирликларини ўзлаштириш орқали. Ўз навбатида ушбу икки йўл бир канча усулларни ўзида жамлайди. Тилларнинг морфологик, лексик, фонетик хусусиятларига кўра турли тилларда сўз ясалиш усуллари маҳсулдорлиги ҳам бир-биридан фарқланади.³

Ўзлаштирма сўзлар, бошқача айтганда, ўзга тилдан кириб келган сўзлар, хитой тилида 借词 jiècí (сўзма сўз “қарзга олинган сўзлар”) ёки 外来词 wàiláicí (сўзма сўз “ташқаридан кириб келган сўзлар”) деб аталади.

¹ H.Dadaboyev. O‘zbek terminologiyasi: o‘quv qo‘llanma/ - T.: “Nodirabegim”, 2020. – 5-s.

² S.Nosirova Xitoy tilining ijtimoiy-siyosiy va diplomatik terminologiyasi. -T.: «Yangi asr avlodi», 2011. - 15-s.

³ S.Mustafayeva Xitoy tili tilshunoslik terminlari tizimining shakllanishi va taraqqiyoti. Monografiya. - T.: “SHARQ”, 2016. - 72-s.



Хитой тилида ўзлашма сўзларга нисбатан Лю Шусян 外来语 wàiláiyǔ (外 “ташқи, чет”+来 “келмоқ”+语 “сўзлар”), Луо Чангпей 借词 jiècí (借 “қарз олмоқ”+词 “сўз”), Сун Чангсю 外来语词 wàiláicíyǔ (外 “ташқи, чет”+来 “келмоқ”+语 “сўзлар”+词 “сўз”), Чжоу Дзумо 外来词 wàiláicí (外 “ташқи, чет”+来 “келмоқ”+词 “сўз”) (ёки 借词) терминларини қўллайдилар. Ҳозирги хитой тили лингвистик адабиётларида кўпроқ 外来词 терминини қўллаш қабул қилинган¹.

Таниқли тилшунос олим А.Ҳожиёв “Ўзлаштириш - ўзаро таъсир, алоқа натижаси сифатида бир тил унсурларининг бошқа тилга ўтиши”, дея таъриф берган².

Профессор Ҳ.Дадабоевнинг ёзишича: “Ўзлашмаларнинг ҳар қандай тил тараққиёти ва бойиши қонуниятининг манбаларидан бири эканлиги сир эмас. Ўзлаштириш жараёни мураккаб ҳодиса бўлиб, лингвистик ҳамда экстралингвистик омиллар билан чамбарчас боғланган. Ижтимоий-сиёсий, тижорий-иқтисодий, диний муносабатлар, маданий алоқалар, бир тилдан бошқа тилга қилинадиган адабий таржималар ва ҳ.к. натижасида у ёки бу луғат таркибида ўзлашмалар пайдо бўлади. Табиий, ушбу ҳодиса бошқа қариндош бўлмаган тиллардан кирган катта миқдордаги ўзлашмаларга эга ўзбек адабий тили учун ҳам тааллуққидир”³.

Россиялик тилшунос олим В.И. Гореловнинг ёзишича: “Ўзлашма лексика - бу халқлар ўртасидаги лингвистик алоқа, тил борасидаги ҳамкорлик”⁴.

Бир тилнинг иккинчи тилга таъсир этиши асосан фонетикада ёки грамматикада эмас, балки айнан лексикада яққол кўзга кўринади. Бир қатор олимлар, хитой тилига кўпдан-кўп чет тил элементларининг кириб келиши салбий ҳодиса эмас, деб таъкидлайдилар. Уларнинг фикрича, ўзлаштирама элементлар тилга ижобий таъсир этиб, уни ихчамлаштиради ва жозибали бўлишига ёрдам беради⁵.

Сўз-термин ўзлашмалари миқдорининг кўплиги бирор тил сўз ясовчи манбаларининг ёки лексик фондининг саёзлиги ҳақида эмас, балки, биринчи навбатда, бу тилда мулоқот қилувчи халқнинг ўзга тилда мулоқот қилувчи халқ билан ўрнатган мустаҳкам сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалари ҳақида далолат беради. Ўзлашмалар кўпроқ айнан ўша тилда вужудга келган тушунчаларни ифодалаш учун ишлатилади.

Маиший муносабатларда турли тилларда мулоқот қилувчи ва ижтимоий тараққиётнинг деярли бир хил босқичида турган халқларда кундалик тушунча ва маишат буюмлари тахминан бир хил бўлиб, уларнинг тилларида ушбу тушунчаларни ифодалаш учун етарли сўзлар мавжуд бўлади. Шунинг учун ҳам бу соҳада ўзлашмалар нисбатан кам учрайди.

Илм-фан, техника, ишлаб чиқариш, ижтимоий-сиёсий фанлар, ҳарбий лексика соҳаларида эса вазият ўзгача. Ҳар бир билим соҳаси мазкур билим соҳаси тушунчаларини ифодалаш учун катта миқдордаги махсус сўз-терминларга эҳтиёж сезади. Бирор билим соҳасининг бошқа тил муҳитига кириб бориши, албатта, катта миқдордаги чет тил терминларининг ўзлашувига олиб келади. Бу жараён қуйидагича изоҳланади. Бугунги кунда, яъни илм-фан, техника, умуман олганда, турли махсус билимлар бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга кириб бораётган бир пайтда, бирор бир тилдаги терминологиянинг ривожланиши кенг қамровли ўзлашмалар билан чамбарчас боғлиқ.

Замонавий хитой тилидаги терминларнинг аксарият қисми туб хитой тили сўзлари ёки бу тилдаги сўз ва морфемалар комбинациясини ташкил этишига қарамай, улар Хитойга бошқа

¹ Ko'rsatilgan manba. - 89-s.

² А.Ҳожиёв. Тилшunoslik terminlarining izohli lug'ati. - Т.: “O'zbekiston Milliy Entsiklopediyasi”, 2002. - 105-s.

³ Н.Дадобоев. O'zbek terminologiyasi: o'quv qo'llanma/ - Т.: “Nodirabegim”, 2020. - 116-s.

⁴ Gorelov V.I. Leksikologiya kitayskogo yazyka. - М.: «Prosvesh'eniye», 1984. - S.143.

⁵ S.Nosirova Xitoy tilining ijtimoiy-siyosiy va diplomatik terminologiyasi. - Т.: «Yangi asr avlodi», 2011. - 84-s.



давлатлардан турли илмий доктрина ва таълимотларнинг кириб келиши натижасида ва таъсири остида пайдо бўлган.

Маълумки, хитой тилига чет тилларидан кириб келган ўзлашмалар масаласи кўпчилик тилшунос олимларда катта қизиқиш уйғотади. Хитой тили, хусусан, унинг ҳарбий лексикасидаги ўзлашмалар масаласи нафақат назарий жиҳатдан, балки амалий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чет тил лексикаси ўзлаштирилиши усуллари билмаслик, товуш ўзлашмаларини туб сўзлардан ажрата ололмаслик таржимонни қийин аҳволга тушуриб қўйиши ва ҳатто семантик хатоликларни келтириб чиқариши мумкин¹.

Масалан, 菲律賓 Fēilùbīn - “Филиппин” сўзма сўз - “бўйсунитдан чиқиб кетган аскарлар”, 陶式反坦克导弹 Táoshì fǎntǎnkè dàodàn - танкка қарши бошқарилувчи ТОУ ракетаси (инглиз тилидаги TOW - Tube-launched, Optically - tracked, Wire - guided аббревиатурасидан фонетик ўзлашма) “керамик ТҚБР²” тарзида таржима қилинади.

Турли давлатларда илм-фан ва техниканинг нотекис ривожланиши, янги тушунчаларга ном бериш эҳтиёжи ва кенг миқёсда ривожланган халқаро алоқалар чет тилларидан кириб келган ўзлашмаларни ҳар қандай тилнинг лексик таркибини бойитишнинг энг муҳим манбаларидан бирига айлантиради.

Хитой тилига ташқи манбалардан сўз ўзлашишининг қуйидаги йўллари мавжуд: фонетик калька 音译 yīnyì, семантик калька 意译 yìyì, ўзлашган сўз+хитойча морфема (гибрид сўзлар), япон тилидан япон тили қоида ва меъёрларига асосан хитой иероглифлари воситасида ясалган сўзларни ўзлаштириш³.

Фонетик ўзлашмалар хитой тилида 译音词 yìyīncí деб аталиб, бунда чет тилидаги сўзнинг ташқи, товуш қобиғи ўзлаштирилади. Демак, уларга бошқа тиллар тегишли прото-типларининг ташқи ва ички структураларидан нусха кўчириш орқали ясалган барча лексик бирликлар киради⁴.

АҚШлик буюк тилшунос олими Л.Блумфильд фикрича: “Чет тил сўзларининг ўзлаштирилишида баъзи-бир товушларнинг ўзгариши табиий ҳолат бўлиб, бунда у ёки бу тилдаги сўз шакли ўзлаштирилаётган тилнинг фонетик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўзгаришга учрайди. Фонетик ўзлаштириш жараёнида сўзловчи ўзга тил товушларини ўз тилига фонемалар билан алмаштиради”⁵.

Россиялик тилшунос олим В.В. Ивановнинг фикрича, хитой тилида товушли ўзлашмалар нисбатан кам миқдорда бўлиб, илмий-техник ва ижтимоий-сиёсий терминология асосан хитой тилининг ўз ички имкониятлари ҳисобидан ясалган.⁶ Замонавий хитой тили ҳарбий лексикаси ҳам бундан мустасно эмас.

Хитойнинг маиший-сўзлашув лексикаси ва илмий-техник терминологиясида ҳам ўхшаш ҳолат кузатилади⁷. “Тибет, маньчжур, монгол, шунингдек ғарб тилларидан хитой тилига жами 900 сўз ўзлашган” деган қараш мавжуд⁸.

¹Klenin I.D. Kitaysko-russkiy voenniy i tekhnicheskii slovar'. -M.: «Voennoe izdatel'stvo», 1985. - S. 562.

²Танкка қарши бошқарилувчи ракета

³S.Mustafayeva Xitoy tili tilshunoslik terminlari tizimining shakllanishi va taraqqiyoti. Monografiya. - T.: “SHARQ”, 2016. - 89-s.

⁴Klenin I.D., Sh'ichko V. F. Leksikologiya kitayskogo yazyka. -M.: «Vostochnaya kniga», 2013. -S.173.

⁵S.Nosirova Xitoy tilining ijtimoiy-siyosiy va diplomatik terminologiyasi. -T.: «Yangi asr avlodi», 2011. - 90-s.

⁶Ivanov V.V. Terminologiya i zaimstvovaniya v sovremennom kitayskom yazyke. - M.:«Prosvesh'eniye», 1973. – S.6-7.

⁷Чехиялик профессор Зденка Навотнанинг маълумотларига кўра, хитой тилида жами 650 фонетик ўзлашмалар мавжуд.

⁸Gorelov V.I. Leksikologiya kitayskogo yazyka. - M.: «Prosvesh'eniye», 1984. - S.144.





И.Д. Кленин ўз ишида хитой тилида фонетик калькалар чекланганлигининг сабаби - бу тилдаги сўзларнинг кўп қисми икки бўғиндан иборат эканлигида, деб кўрсатади. Яъни, кўп бўғинли сўзлар хитой тилида нисбатан кўп учрайди, шу сабабли кўп бўғинли чет тил сўзлари хитой сўзининг табиатига мос келмайди ва қабул қилиниши қийин кечади¹.

Бу ўринда И.Д. Клениннинг фикрига қўшиламиз, чунки кўп бўғинли сўзлар хитой тили табиатига зид ва шу боис бу сўзлар хитойликлар томонидан ижобий қарши олинмайди. Хитой тилига фонетик ўзлашмаларнинг қийинчилик билан кириб бориш жараёни И.М. Ошанин, В.М. Солнцев, З.Навотна ва бошқа тилшуносларнинг ишларида ҳам кўришимиз мумкин.

В.М. Солнцев фикрига кўра, “Хитой тилидаги бўғинлар миқдорининг аниқ чегараланиши ҳамда товушлар ўртасидаги ўзаро мосликнинг чекланганлиги хитой тилига фонетик ўзлашмаларнинг кенг миқёсда кириб боришига тўсқинлик қилади.” (“Фиксированное количество слогов и строго ограниченная сочетаемость звуков китайского языка не допускают массовых фонетических заимствований”)².

Иероглифлар чет тили ва хитой тили сўзларининг товушли таркибини ифодалашда қийинчилик туғдиради, чунки улар алоҳида товушлар ва ҳаттоки бўғинларни ҳам эмас, балки бир бўғинли сўзлар ёки бир бўғинли морфемаларни бир бутунлик сифатида ифода этолмайди. Хитой тилига ўзга тиллардан фонетик ўзлашмаларнинг кириб боришига тўсқинлик қилувчи омил - бу хитой тилидаги бўғиннинг морфологик (семантик) маънога эга эканлигида, деб қабул қилиш мумкин. Иероглиф ёрдамида ифодаланган ҳар бир бўғин алоҳида бир маънога эга эканлиги боис, иероглифнинг ўзи у ёки бу маъно билан ўзаро боғланади ва фақатгина бўғин (товуш)ларнинг фонетик ёзуви тариқасида қабул қилинмайди³.

Хитой илмий-техник терминологияси стардартизацияси бўйича етакчи мутахассис Тао Кунь баъзи олимларнинг чет тилларидаги киёвий терминларни фонетик ўзлаштиришдаги муваффақиятсиз уринишларининг асосий 4 сабабини ажратиб кўрсатган:

- тизимлиликнинг йўқлиги;
- ички мотивировканинг йўқлиги;
- талаффуздаги қийинчиликлар;
- тилнинг сўз ясалиш меъёрларидан четга чиқиш.⁴

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, хитой тилининг бўғин хусусиятлари, унинг товуш тизими силлабизми, ҳар бир ундош товушдан кейин унлиларни қўйиш ҳисобига пайдо бўлган узайтирилган фонетик таркиб кўпинча кўп бўғинли, тил мулоқоти учун унчалик қулай бўлмаган баҳайбат лексик бирликларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Масалан: 斯特尔莫维克 Sītè'ěrmòwéikè - штурмовик, ҳужумчи самолёт. Бу каби ўзлашмаларни бирга, ритмик тўхтамсиз талаффуз қилиш зарурияти уларнинг хитой тили учун ёт хусусиятни акс эттириб, ушбу тил артикуляцион базаси учун маълум қийинчиликлар туғдиради.

Хитой, Англия ва АҚШ ўртасидаги кўп йиллик иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлик хитой тили ҳарбий лексикасида инглиз тилидан кириб келган қуйидаги фонетик ўзлашмалар вужудга келишига сабаб бўлди:

坦克 tānkè (tank) - “танк”;

¹Klenin I.D. Zvukovye zaимstvovaniya v sovremennom kitayskom yazyke //Trudy voennogo instituta inostrannykh yazykov. -M.: , 1969. - № 5. - S.203.

²Solntsev V.M. Ocherki po sovremennomu kitayskomu yazyku. M.: «ИМО», 1957. - S.

³S.Nosirova Xitoy tilining ijtimoiy-siyosiy va diplomatik terminologiyasi. -T.: «Yangi asr avlodi», 2011. - 91-s.

⁴Klenin I.D., Sh'ichko V. F. Leksikologiya kitayskogo yazyka. -M.: «Vostochnaya kniga», 2013. -S.178.



引擎 yǐnqíng (engine) - “мотор”;
声纳 shēngnà (sonar) - “гидролокатор”;
来复枪 láifùqiāng (rifle) - “винтовка”;
卡宾枪 kǎbīnqiāng (carbine) - “карабин”;
利德特 lǐdétè (liddit) - “лиддит”.

Шунингдек, АҚШнинг зенит ракеталаридан “Найк” - 耐克 (Nàikè), “Аякс” - 阿要克斯 (Ā yào kè sī), “Атлас” - 阿特拉斯 (Ā tè lā sī); самолётлардан “Вуду” - 巫毒 (Wū dú), “Авакс” - 阿瓦克斯 (Ā wǎ kè sī) кабилар фонетик ўзлашмаларга мисол бўлиши мумкин. Бундан ташқари, Россиянинг “ер-ҳаво” ракеталаридан “Искандер” - 伊斯坎德尔 (Yī sī kǎn dé'ěr), “Тор” - 托尔 (Tuō ěr) ҳамда сув остига асосланган “Бульвар” ракетаси - 布拉瓦 (Bù lā wǎ) ҳам ўзлашмаларнинг ушбу турга киради.

Хитой ҳарбий лексикасидаги деярли барча фонетик ўзлашмалар ўзининг мустақил синонимларига эга. Ушбу синонимик жуфтликлар ўртасида истёмолдан чиқиб кетмаслик, бирор бир ҳарбий тушунча ёки предметни монополь тарзда ифодалаш учун тўхтовсиз кураш кечади. Бу курашда одатда, аниқлик ва қисқалик мезонларига энг кўп жавоб берувчи термин ғалаба қозонади. Масалан, қуйидаги синонимик жуфтликлар: 引擎 (yǐnqíng) ва 发动机 (fādòngjī), яъни “мотор”; 声纳 (shēngnà) ҳамда 水声测位仪 (shuǐshēng cèwèiyí), яъни “гидролокатор” ўртасидаги курашда фонетик ўзлашмалар ўзининг қисқа ва аниқлиги сабабли ғолибликни қўлга киритган.

Терминология талабларига кўра, бир тушунчани ифодалаш учун фақат бир терминни қолдириш, бошқасидан эса воз кечишга тўғри келади. Аммо бу жараён қийинчилик билан кечади. Рус терминологик мактабининг асосчиси ҳисобланган Д.С. Лотте айтганидек, “Маълумки, кенг тарқалган ва чуқур илдиз отган терминларни, у шу тилники ёки ўзлашма бўлишидан қатъий назар, ҳатто анча номақбул бўлганда ҳам тилдан сиқиб чиқариш қийин масаладир. Айрим ҳолларда эса бунинг мутлақо иложиси йўқ”¹.

Масалан, хитой тилида “зирҳли транспорт воситаси” (бронетранспортер) терминини ифодалаш учун уч эквивалент қўлланилади: 装甲输送车 zhuāngjiǎ shūsòng chē, 装甲运输车 zhuāngjiǎ yùnnshū chē, 装甲运兵车 zhuāngjiǎ yùnbīngchē. Юқоридаги синонимик қаторда айнан биринчиси термин (装甲输送车) энг кўп қўлланиладигани ҳисобланади.

Чет тил лексикаси ўзлаштиришининг иккинчи усули калькалаш ёки семантик калька бўлиб, ушбу усулдан хитой тили махсус лексикасининг ясалишида кенг фойдаланилади. Зеро, ҳарбий, ҳарбий-техник, илмий-ҳарбий ва бошқа махсус терминология тиллараро алоқалар энг кўп ўз аксини топган тилнинг лексик қатлами ҳисобланади.

Калькалаш ёки семантик калька (译义词 yìyìcí) - ўзга тилга оид сўз билдирадиган маънони ўзлаштириш натижасида ўз тилидаги сўзга шу маънони берилиши².

Л.Блумфильд калькаларни чет сўзлар таржимаси ёки ўзга сўзлар билан ифодаланган мазмунни ўз тилида ифодалаш учун қўлланилган сўзларнинг танланиши, деб таърифлаган. А.Реформаторский қуйидаги фикрни билдирган: “Калькалар чет тилдаги сўзнинг қисмма-қисм таржимаси ёки таржима қилинган элементларнинг механик равишда ўзаро қўшилиши

¹Lotte D.S. Osnovy postroyeniya nauchno-tekhnicheskoy terminologii: Voprosy teorii i metodiki. - M.: Izd-vo AN SSSR, 1961.- S. 98.

²A.Hojiyev. Tilshunoslik terminlarining izohli lug'ati. - T.: “O'zbekiston Milliy Entsiklopediyasi”, 2002. - 47-s.



натижасида ҳосил бўладиган ибора, сўз. Шу тарзда калька усулини қўллаганда элементларнинг комбинацияси ўзлаштирилади, элементларнинг ўзлари эса ўзга тилдаги эмас, балки ўз тил материали бўлиб хизмат қилади”¹.

Калькалаш орқали чет тилидаги сўз ёки сўз бирикмаси маъноли бўлакларга бўлиниб кетади, кейин эса бу лексик комплекс бўлаклари ўз сўз ясалиш структурасини сақлаб қолган ҳолда хитой тилига таржима қилинади.

Ўз навбатида В.Горелов: “Семантик ўзлашмалар кўпинча калькалар деб аталиб, чет тил лексикасининг хитой тилига таржима қилиниши натижасида вужудга келади” деган қарашни илгари суради². Шунингдек у калькаларни қўйидаги турларга бўлади:

Структур калькалар. Бунда лексик бирликнинг сўз ясалиш моделидан нусха олинади ва структур элементларнинг тўғридан-тўғри таржимаси келтирилади. Масалан: 前卫 qiánwèi – “авангард”³ (бунда 前 qián – “олд томон”; 卫 wèi – “қўриқчи”).

Этимологик калькалар. Бунда чет тилидаги сўзнинг мазмун-моҳияти очиб берилади. Кўпгина ҳолатларда этимологик калькалардан чет мамлакатлари жанговар техника ва қурол-аслаҳа намуналарининг номларини ифодалашда фойдаланилади. Уларнинг ўзбек тилига таржимаси маълум қийинчиликлар туғдиради, чунки ўзбек тилида хитой тилидан фарқли равишда бу терминлар асосан фонетик жиҳатдан ўзлаштирилади. Шунинг учун ҳам уларни тўғри таржима қилиш учун аввало бу терминнинг асл маъносини билиш лозим. Бу каби калькаларнинг баъзилари Қадимги Юнонистон, Рим, Скандинавия ва бошқа мамлакатлар мифологиясига бориб тақалади. Масалан, ракеталарнинг номларини кўриб чиқамиз:

太阳神 Tàiyáng shén – “Титан”⁴ (қуёш худоси);

海神 Hǎishén – “Посейдон”⁵ (денгиз худоси);

冥河 Míng hé – “Стикс”⁶ (ўликлар салтанатидаги дарё);

神使 Shén shǐ – “Гермес”⁷ (худолар элчиси);

雷神 Léishén – “Тор”⁸ (скандинавия мифологиясида момақалдирок худоси).

Самолётлар номларида:

火神 Huǒ shén – “Вулкан”⁹ (олов худоси);

百眼巨人 Bǎiyǎn jù rén – “Аргус”¹⁰ (юз кўзли дев).

Баъзида қурол-аслаҳа номларини ўзлаштиришда структур ва этимологик калькаларнинг иккисидан ҳам фойдаланилади. Масалан, АҚШнинг “Минитмэн” қитъалараро ракетаси номини ўзлаштиришда 分人 Fēnrén (минут+одам) структур ва 民兵 Mínbīng (халқ кўзғолони) этимологик калькалари қўлланилади.

И.Д. Кленин ҳам калькаларнинг икки турини келтиради:

¹S.Nosirova Xitoy tilining ijtimoiy-siyosiy va diplomatik terminologiyasi. - T.: «Yangi asr avlodi», 2011. - 86-s.

²Gorelov V.I. Leksikologiya kitayskogo yazyka. -M.: «Prosvesh'eniye», 1984. - S.146.

³(франц. avantgarde — олдиндаги қўриқчи) – ҳарбий сафар вақтида асосий кучларни қўриқлаш учун олдинда боровчи аскарний қисм (ҳарбий қўшилма, қисм ёки бўлинма)

⁴АҚШ ҳарбий баллистик ракеталар ва улар асосида ракета ташувчилар туркуми.

⁵АҚШнинг сув ости кемаларида жойлашган баллистик ракетаси.

⁶Россиянинг кемага қарши ракетаси.

⁷Россиянинг танкка қарши ракета комплекси.

⁸Россиянинг зенит-ракета комплекси.

⁹Буюк Британия стратегик бомбардимончи самолёти.

¹⁰Канаданинг денгиз патрули учун мўлжалланган ҳарбий самолёти.



тўғридан-тўғри калькалар. Бунда ўзлашмалар бевосита улар келиб чиққан тилдаги сўз ёки сўз бирикмаларидан калькаланади.

Билвосита калькалар. Бунда ўзлашмалар хитой тилига япон тили орқали кириб келади.¹

Инглиз тилидан кириб келган тўғридан-тўғри калькаларга қуйидагилар мисол бўлиши мумкин:

弹药带 dànyào dāi (弹药 dànyào - “ўқ-дорилар” + 带 dāi - “камар, белбоғ”), яъни ammunition belt - “ўқ-дори камари”;

前头队形 qiántou duì xíng (前头 qiántou - “камоннинг учи” + 队形 duì xíng - “саф”), яъни arrow head formation - “бурчакка қараган саф”.

Замонавий хитой тили ҳарбий терминологиясида собиқ иттифок ҳарбий терминларидан ўзлашган калькалар ҳам мавжуд:

运动保证队 yùndòng bǎozhèng duì - “ҳаракатни таъминлаш отряди” («отряд обеспечения движения»);

强击群 qiáng jí qún - “хужум гуруҳи” («штурмовая группа»);

土木发射点 tǔmù fāshè diǎn - “дарахт-ер олов нуқтаси” («деревоземляная огневая точка»);

Хитой тилига япон тилидан ўзлашган, аммо келиб чиқиши инглиз тили бўлган билвосита калькаларга қуйидагилар мисол бўла олади:

机关枪 jīguānqiāng - “пулемёт” (machinegun);

炮舰 pàojiàn - “қуrol-яроғ қайиғи” (gunboat);

曲射炮 qūshè pào - “оғма олов қуроли” (curvedfiregun);

主机抗线 zhǔjī kàngxiàn - “асосий қаршилик чизиги” (mainline of resistance).

Иероглифик ёзувни ўзида мужассамлаштирган хитой тили учун калька усулида чет тиллардаги сўзларни ўзлаштириш фонетик ўзлашмаларга нисбатан кўпроқ аҳамият касб этади. Алоҳида таъкидлаш жоизки, Хитой тилшунослари тилни фонетик ўзлашмалардан тозалаш ва максимал даражада семантик калькалардан фойдаланиш бўйича хатти-ҳаракатларни амалга оширмоқдалар. Зеро, айнан калькалаш усулида ясалган ўзлашмалар хитой тили меъёрларига тўлиқ мос келиб, уларни тушуниш ва эслаб қолиш анча осон. Калькалар фонетик ўзлашмалардан фарқли ўлароқ хитой тили лексик элементларидан ясалади, шунинг учун ҳам ўз товуш ва график шаклига кўра унинг туб лексикасидан ҳеч қандай фарқ қилмайди.

Хулоса. Юқорида олиб борилган таҳлил натижаларига кўра қуйидаги умумий хулосаларга келинди:

1. Хитой тили кўп минг йиллик эволюцияси давомида ривожланиб, такомиллашиб келган бўлиб, бу тараққиёт Хитойнинг чет мамлакатлари билан ўрнатган ижтимоий-сиёсий, савдо-сотик, маданий алоқалари ва бунинг натижасида хитой тили луғат таркибида вужудга келган ўзлашмаларда ўз аксини топади.

2. Ўзлаштирма сўзлар хитой тилида турли терминлар билан аталиб, улардан энг кўп қўлланиладигани - 外来词 (“ташқаридан кириб келган сўз”).

3. Ўзбек тилшунослигида Х.Дадабоев, С.Носирова, С.Мустафаева, А.Ҳожиёв каби бир қатор олимлар, рус тилшунослигида В.В. Иванов, И.Д. Кленин, В.И. Горелов, В.М. Солнцев, Д.С. Лотте кабилар, хитой тилшунослигида Лю Шусян, Луо Чангпей, Сун Чангсю, Чжоу Дзумо, Тао Куньларнинг

¹ Klenin I.D., Sh'ichko V. F. Leksikologiya kitayskogo yazyka. -M.: «Vostochnaya kniga», 2013. -S.188.



ўзлаштириш усулига бағишланган ишлари таҳлили натижасида фонетик ҳамда семантик калька усулларидаги чеклов ва афзалликлар атрофлича ўрганиб чиқилди.

4. Юқорида олиб борилган таҳлиллар натижасида фонетик калька усулининг хитой сўзлашув ва ёзма лексикасидаги тутган ўрни яққол намоён бўлди.

5. Муаллиф томонидан ҳаммаси бўлиб 15 та фонетик ўзлашма ўрганилган бўлиб, улардан 11 таси инглиз тилидан ўзлашган, 4 таси эса рус тилидан ўзлашган терминлардир.

6. Мақолада 19 та семантик калька келтирилган бўлиб, улардан 7 таси этимологик калькалар ҳисобланиб, Қадимги Юнонистон, Рим ва Скандинавия мамлакатлари мифологик образларини ўзида мужассамлаштиради, 4 таси инглиз тилидан, 4 таси япон тилидан, 3 таси рус тилидан ва 1 таси француз тилидан кириб келган.

7. Юқорида келтирилган мисоллардан маълум бўлдики, ўрганилган 40 та терминнинг барчаси от сўз туркумига киради.

8. Фонетик ўзлашмаларни ҳосил бўлиши ва қўлланилишидаги чекловлар хитой тили товуш тизими силлабизми, ҳар бир ундош товушдан кейин унлиларни қўйиш ҳисобига пайдо бўлган узайтирилган фонетик таркиб ва умуман олганда хитой тилининг фонетик ва морфологик хусусиятлари билан изоҳланади (斯特尔莫维克).

9. Битта тушунчани ифодаловчи терминлар ўртасидаги тинимсиз курашда аксарият ҳолатларда аниқлик ва қисқалик хусусиятини ўзида акс эттирувчи термин яқка ҳокимликни қўлга киритади (引擎 /发动机 ва 声纳/水声测位仪). Баъзида бу ғолиб фонетик ўзлашма бўлиши ҳам мумкин.

10. Семантик калька хитой тилида ўзлаштиришнинг асосий усули сифатида тан олинишининг асосий сабаби – унинг хитой туб лексикага структур жихатдан яқинлиги ҳамда тушуниш ва эслаб қолишда фонетик ўзлашмалар каби қийинчилик туғдирмаслигидадир.

11. Фонетик ва семантик калькаларнинг ўхшаш жихати – икки усулда ҳам инглиз тилидан ўзлашган ҳарбий терминлар етакчилик қилади.

12. Ҳарбий ракета ва самолёт номларини ифодалашда асосан фонетик ўзлашмалар (耐克, 阿要克斯, 阿特拉斯, 巫毒, 阿瓦克斯 ва ҳ.к.) ва этимологик калькалар (太阳神, 海神, 冥河, 神使, 雷神, 火神 ва ҳ.к.) қўлланилади.

